

# ИСЛОМДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ ВА АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТАМОЙИЛЛАРИ



Бугун Қумқўрғон туманида “Ислонда гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқлари тамоийиллари гендер зўравонлик, репродуктив саломатлик” мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси (УНФПА) ҳамда Буюк Британия ҳукуматининг молиявий ко'маги остида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Халқаро ислом академияси ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда БМТнинг Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, Халқаро ислом академияси профессорлари ҳамда Оқила аёллар, маҳалла фаоллари, тарғиботчи фаол аёллар иштирок этишди.

Мазкур семинар-тренинг “Жамият, хотин-қизлар ва дин”, “Гендер тушунчаси, унинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари”, “Аёл ҳуқуқларини тушунтириш ва исломда тенг ҳуқуқлилиқ назарияси”, “Ислон таълимотида аёлларнинг оилавий муносабатлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари”, “Гендер зўравонлик”, “Репродуктив саломатлик ва оилани режалаштириш масалалари” йўналишларига бағишланди.